

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАН 11-СИНФ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Навоийнинг ўзи тузган биринчи девони қайси?

- А) «Ғаройиб-ус- сиғар» Б) «Наводир-уш- шабоб» В) «Назм-ул -жавоҳир»
Г) «Бадоеъ-ул бидоя» Д) «Бадоеъ-ул- васат»

2. Навоийнинг «Хамса»си таркибидаги қайси дoston бошдан оёқ бир сюжетли воқеани баён этмаган?

- А) «Ҳайрат ул-аброр» Б) «Фарҳод ва Ширин» В) «Лайли ва Мажнун»
Г) «Садди Искандарий» Д) «Сабъаи сайёр»

3. Ёзувчи ўзи иштирок этган гувоҳи бўлган воқеалар тасвирланган бадий асар қандай номланади?

- А) Мемуар Б) Роман В) Масал Г) Комедия Д) Қисса.

4. Бобурнинг:

*Бу олам аро ажаб аламлар курдум,
Олам элидин турфа ситамлар курдум
Ҳар ним бу «Вақое»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не замлар кўрдум.*

рубойидаги «Вақоеъ» шоирнинг қайси асарини ифодалайди?

- А) Лирик шеърлар Б) «Мухтасар» асари В) «Мубаййин» рисоласи
Г) «Хатти Бобурий» Д) «Бобурнома»

5. «Кеча кундуз» романида Мирёқуб «баззоз дўконидан ўзига тоза кўйлақлик танлагандек» танлаб олинган қахрамон қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Зеби Б) Пошшоҳон В) Султонхон Г) Мария Острова Д) Рафикаси.

6. Ўзбек драматургиясининг илк намуналари...

- А) «Падаркуш», «Бахтсиз куёв», «Олтин девор», «Ҳинд ихтилочилари»
Б) «Захарли ҳаёт», «Пинак» «Доктор Муҳаммаддиёр», «Бахтсиз куёв»
В) «Адвокатлик осонми?», «Падаркуш», «Бахтсиз куёв», «Мирзо Улуғбек»
Г) «Падаркуш», «Бахтсиз куёв», «Адвокатлик осонми?», «Пинак»
Д) «Пинак», «Захарли ҳаёт», «Бойвучча Ойниса», «Юрак сирлари».

7. ...*Кишан кийма, буйин эзма, Ки сен ҳам ҳур тугилгансан* мисралар муаллифи ким?

- А) Фитрат. Б) Чўлпон. В) Ҳамза. Г) Авлоний. Д) Усмон Носир.

8. А. Қодирийнинг энг етук ҳикояси қайси бандда берилган?

- А) «Калвак маҳзуннинг хотира дафтарида»
Б) «Жинлар базми»
В) «Кампирлар сим қокди»
Г) «Тошпўлат тажанг нима дейди?»
Д) «Улоқда»

9. «Ўткан кунлар» романида Отабекни иккинчи марта уйлантиришнинг сабабини Юсуфбек хожи «ҳожатдан» дейди. Бунинг маъноси ... ?

- А) Отабекни Кумушдан айнитиш.
Б) Отабекни берухсат уйланиб олганини қоралаш.
В) Ўзбек ойимнинг келин тушириш орзуси.
Г) Ҳар иккала келинни бир хонадонда кўриш истаги.
Д) Кумуш ва Отабекнинг тўйларини бошқатдан ўтказиш.

10. «Мен уруш вақтининг нозик пайтларида бўлган бу ўлдиришга оддий ўлдириш деб қараёлмайман, мен бу «содадил», «ювош», «гуноҳсиз» сарт қизига энг олий жазо талаб қиламан». Ушбу праचा қайси асардан олинган?

- А) «Ўткан кунлар». Б) «Абулфайзхон». В) «Қутлуғ қон». Г) «Кеча кундуз». Д) «Шум бола».

11. Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романидаги эътиқод тимсолидаги образ

- А) Бозорбой. Б) Авдий. В) Акбара. Г) Гулимхон. Д) Гришан.

12. Эркин Воҳидовнинг халқ озошлик ҳаракатини тасвирловчи достонини топинг.

- А) «Нидо». Б) «Рухлар исёни». В) «Палаткада ёзилган достон.
Г) «Буюк ҳаёт тонги». Д) «Истанбул фожиаси».

13. Абдулла Ориповнинг асарлари кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А) «Йиллар армони», «Онажон», «Митти юлдуз», «Жаннатга йўл».
Б) «Бедорлик», «Инсон қасидаси», «Ўзбегим», «Куй авжида узилмасин тор».
В) «Онажон», «Ўзбегим», «Митти юлдуз», «Шоиру, шеър, шуур».
Г) «Гўзал», «Бузилган ўлкага», «Халқ», «Бинафша».
Д) «Соғиниш», «Вақт», «Тирик кўшиқлар», «Чашма».

14. «Лайли ва Мажнун» қандай типдаги достон?

- А) Ишқий-фожиавий достон.
Б) Ишқий саргузашт достон.
В) Панд-насихат руҳидаги достон.
Г) Адабий достон.
Д) Фантастик достон.

15. Навоийнинг қуйидаги сатрлари кимга бағишланган?

Билиб бу нав илми осмоний

Ки андин ёзди Зичи Кўрагоний

Қиёматга етганда аҳли айём

Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком.

- А) Ҳ. Бойқарога Б) Саккокийга В) Бадиуззамонга Г) Лутфийга Д) Мирзо Улуғбекка.

16. Бобур рубойиларининг лирик қаҳрамонига хос фазилятлар қайси жавобда тўғри келтирилган?

- А) Инсонпарварлик, халқпарварлик. Б) Тақдирдан шикоят, умидсизлик.
В) Маърифатпарварлик, дўстлик. Г) Ватанни қўмсаш, пок севгини улуғлаш.
Д) Мардлик, қаҳрамонлик.

17. Қайси жавобда Бобурга бағишлаб ёзилган роман номи тўғри кўрсатилган?

- А) «Меъмор». Б) «Кеча ва кундуз». В) «Ўтган кунлар». Г) «Шукуҳли карвон». Д) «Юлдузли тунлар».

18. Илк ўзбек романлари...

- А) «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз».
Б) «Навоий», «Доктор Мухаммаддиёр», «Ҳақиқат кимда»
В) «Падаркуш», «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз»
Г) «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Ўтган кунлар»
Д) «Бахтсиз куёв», «Кеча ва кундуз», «Темир хотин».

19. «Кеча ва кундуз» романида «бир оғиз гапини силлиқ ва ёқимли қилиб гапира олмайдиган сода ва тўнг одам», худо давлатни иккки қўллаб узатса-да, фарзанд борасида бироз ўкситиб қўйган қаҳрамон –

- А) Ҳоким тўра. Б) Ноиб тўра. В) Акбарали мингбоши. Г) Зуннун. Д) Эшон.

20. «Начора, бу нотавон банда мулозим сақламокқа қодир эмас. Мен-бир Аллоҳ кули, бас, ўзим кул бўлганим ҳолда, яна қай йўсин кул сақламокқа ҳаддис сифсин?» Ушбу парча қайси асардан олинган?

А) Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар».

Б) Ойбек «Навоий».

В) Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси».

Г) Пиримкул Қодиров «Юлдузли тунлар».

Д) Хайридин Султонов «Саодат соҳили».

21. «Шум бола» қиссаси 1936 йили «Муштум» журналида қандай ном билан босилган эди?

А) «Довдираш»

Б) «Шум бола»

В) «Шум боланинг саргузаштлари»

Г) «Шумлик»

Д) «Бебошлик».

22. П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романидаги Мулла Фазлидиннинг қайси хизмати алоҳида эҳтиром билан тилга олинади?

А) Бобурнинг мударриси бўлгани.

Б) Ўшдаги Буратоғ хужра қурганлиги.

В) Бобурнинг садоқатли бекларидан бўлгани.

Г) Бобурни ўлимдан қутқарган табиблиги.

Д) Бобурнинг қариндошлиги эканлиги.

23. «Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,

Унда она яшар, яшайди Ватан.

Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз,

Хайхот! Қўзғалмасин бу қалб дафъатан!!»

Абдулла Ориповнинг ушбу шеъри мавзусини аниқланг.

А) Она Ватанни озод ва обод кўриш истаги.

Б) Диний-ахлоқий мезонлари мавзуси.

В) Меҳр-муҳаббат, табиатни севиш, ардоқлаш ҳақида.

Г) Ҳаёт ва инсон, жамият ва табиат мавзуси.

Д) Истиқлол ғояси, эл-юрт мустақиллиги.

24. Чингиз Айтматовнинг асарлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.

А) «Жамила», «Оқ кема», «Болалик», «Тирилган мурда».

Б) «Алвидо, Гулсари», «Оқ кема», «Жамила», «Ўтмишдан эртактлар».

В) «Оқ ёмғир», «Оқ кема», «Юзма-юз», «Анор».

Г) «Оқ кема», «Жамила», «Юзма-юз», «Сомон йўли».

Д) «Сарвқомат дилбарим», «Бемор», «Алвидо, Гулсари», «Оқ кема».

25. М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асари қайси жанрга мансуб?

А) Лиро-эпик.

Б) Трагедия.

В) Трагикомедия.

Г) Роман

Д) Комедия

26. Эркин Воҳидовнинг урушнинг кишилар қалбида қолдирган оғир жароҳатлари ҳақида ёзилган асари берилган жавобни аниқланг.

А) «Палаткада ёзилган дoston».

Б) «Нидо».

В) «Истанбул фожиаси»

Г) «Ўч».

Д) «Рухлар исёни».

27. А. Навоий «Бадоеъ ул васат» девонинг етакчи мавзуси...

А) Насихат

Б) Маърифат

В) Ҳайрат

Г) Муҳаббат.

28. Навоий лирикаси сўфиёна бўлиб асос вазифаси

А) Тасаввуфдир

Б) Илмийдир

В) Дунёдир

Г) Маънодир.

29. Ч.Айтматов «Ўтар қуш ноласи» асари орқали ёзувчи нимани назарда тутмоқда.

А) Жониворларни

Б) Инсон тимсолини

В) Манманликни

Г) Жанозани.

30. Чўлпонни қандай ижодкор деб биламиз.

А) Муҳаббатни куйлаган.

Б) Ҳақиқат ва ҳурликни куйлаган.

В) Ҳукмронликни севган

Г) Самимийликни куйлаган.